

Бир ҳадис шарҳи: ирим-сиримлар йўқ!

05:00 / 14.03.2017 6272

Сафар ойдан шумланиш; унга шубҳа билан қараб, ёмонлик оyi деб билиш; бу ойда хайрли амалларни қилиб бўлмайди, деган эътиқодга бориш; бу ойда балo-офатлар кўпаяди, дейиш; бу ойда балолар хуруж қилади, деб ўйлаш мутлақо мумкин эмас! Бу ислом шариатининг ирим-сиримларга ишонмаслик, шумланиш мумкин эмаслиги каби умумэътиқодлари жумласидан ҳисобланади. Тавҳидга асосланган ислом динига кўра ҳар бир нарсанинг сабабчиси Аллоҳ таолодир! Шумланиш ва ирим-сиримлар ана шу буюк эътифқодга дарз етказди. Бинобарин, шариат асосчиси Расулуллоҳ (с.а.в.) бунга алоҳида эътибор қаратганлар ва одамларнинг бу борадаги эътиқодларини доимо назоратда ушлаб турганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар:

عَمَّ آهَ الْوَرَفَصِ الْوَيَوَدَعِ الْ

"Шариатда "адво" ҳам йўқ, "сафар" ҳам йўқ, "ҳомат" ҳам йўқ. (Бухорий, 4/5717; Табароний, 7/6657; 8/7762).

Айрим ривоятларда: لَوْعِ الْ - "фул" ҳам йўқ", жумласи қўшилган (Аҳмад, 3/15143; Абу Довуд, 4/3915).

Имом Абу Довуд (р.ҳ.) ривоятида эса: وَوَنَ الْ وَرِيَطَ الْ - "тийара" ҳам йўқ, "навъа" ҳам йўқ", жумласи ҳам бор (Абу Довуд, 4/3913-3914).

Мазкур ҳадиси шарифда тилга олинган сўзларнинг бир қанча маънолари бор. Буларнинг барчаси мўъмин-муслмонларнинг эътиқодини тўғрилаш, мўъмин-муслмонлар соғлом ва соф ақидада бўлишлари мақсадида Расули акрам (с.а.в.)нинг муборак тилларига чиққан.

1) "Адво" луғатда "фасод, бузилиш" бўлса-да, бу ерда касалликнинг бировдан бировга юқиши назарда тутилган ва Расулуллоҳ (с.а.в.) касаллик юқшининг йўқлигини таъкидлаганлар. Зотан, касаллик ўзича, ўз-ўзидан бировга юқиб қолмайди. Микроблар ва бошқа нарсалар касаллик

юқтиришда мустақил иш кўра олмайдилар. Бу Аллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадис давомида бундай суҳбат бўлиб ўтган:

عَبَّ ظَلَّ اللهُ أَنْ لَمْ يَرَلَا فِي نُؤُكَتِ يَلْبِ إِبْرَاهِيمَ فَوَلَّوهُ لُؤْسَ رَأْيِي بِأَنْعَالِ أَقْوَفِ
لِوَالِدِي دَعَا نَمَفَ لَأَقْوَفِ هُوَ بَرُّؤَيْفِ هُوَ نَيْبُ لُؤُحِ دَيْفِ بَرُّؤَيْفِ لَأَقْوَفِ رِيغِ بَلِّئِي تَأْيِيْفِ

Бир бадавий: "Ё Расулуллоҳ, туяларимизга нима бўлган ўзи? Аввалига улар оҳудек соппа-соғ юришади, кейин эса ораларига бир қўтир туя келиб қўшилди дегунча барчаси қўтир бўлиб қолади", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ўша дастлабки қўтир бўлган туяни ким қўтир қилган?", дедилар.

Мазкур суҳбатда Расулуллоҳ (с.а.в.) бадавий ва бошқаларнинг эътиқодларини Аллоҳ тарафга бурмоқдалар. Илк касал бўлиш ҳам, касаллик бир-бирова ўтиш ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан юз беради. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: مَيْقِسُ أَحْيِ صِ دَعَايَ الْو - "Соғломга касаллик ўтмайди" деган гаплари (Абу Яъло, 1/430-431) ҳам шу маънодадир. Ҳар бир нарсанинг асл сабабчиси, сабабларни яратувчиси Аллоҳ таолодир! Касалликни тарқатувчи микробларни яратган ҳам, уларга юқтириш хислатини, аниқроғи юқтириш касофатини берган ҳам Аллоҳ таолодир. Агар Аллоҳ хоҳламаса, ҳеч бир касаллик юқмайди. Бинобарин, ушбу эътиқодда инсон Аллоҳ таолога таваккул қилиб яшаши керак. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни мохов кимсанинг қўлидан ушлаб, у билан бирга таом ейиш учун унинг олдига лаган қўйдилар ва "Аллоҳга таваккал қилиб, унга ишониб, "бисмиллоҳ" айтиб егин!" дедилар (Абу Довуд, 2/3925; Ҳоким, 4/7196; Абу Яъло, 4/1822).

Аллоҳ таоло хоҳласа, касалликлар бир-бирова юқиши мумкин. Шунинг учун айрим касалликлар Аллоҳнинг иродаси билан юқиб қолади. Улардан сақланишни ҳам Аллоҳнинг элчиси бизга буюрганлар: كِرَارِفِ مَوْجِمِ لِمَ نَمَ رِفِ - "Моховдан шердан қочганинг каби қочгин!" (Аҳмад, 2/9720; Ибн Абу Шайба, 8/25031).

Расулуллоҳ (с.а.в.) вабо ҳақида мана бундай деганлар:

أَوْجُحَتْ أَلْفَ أَوْبٍ مُتَنَّاؤِ ضَرَّابَ عَقَوِ إِذْ أَوْهِيَ لَعِ أَوْمَدَّقَتْ أَلْفَ ضَرَّابٍ هَبْ مُتَعَمَسَ إِذْ
هَنْمَ أَرَارِفِ

"Вабони бирор ерда деб эшитсангиз, ўша ерга борманглар, сизнинг ўзингиз бирор ерда бўлсангиз-у, ўша ерда вабо бўладиган бўлса, у ердан қочиб чиқманг!" (Бухорий, 4/5730).

2) Расулulloҳ (с.а.в.)нинг "сафар" ҳам йўқ, деган гапларининг маъносини олимлар ҳар хил тушунганлар.

Масалан, Имом Бухорий (р.х.) "сафар"ни «أَدْوَةٌ» - "Қоринда бўладиган дард" деб билган ва юқоридаги ҳадисни шу номдаги бобда келтирган. Бу гапни тобеъинлардан Ато (р.х.) айтган бўлиб, ундан:

نُطِبَ لِي فِدْحُ أَيُّ غَجَّ وَرَفَّصَ لِي سَانُ لِي لِقِطِّ أَطْعَمَ نَع

Ато (р.х.) сафарни одамлар қориндаги дард дейишади, дегани нақл қилинган (Абу Довуд, 4/3920).

Имом Молик (р.х.)дан "сафар"нинг маъноси ҳақида сўралганда, у бундай деб жавоб берган эканлар:

رَفَّصَ نَوَّلِحِي أُونَاكَ ةَّيْلَهَاجَلْ لَهْأَن لِقِاق. «رَفَّصَ ال» هَلْ وَوَقَّ نَعُ كَلَامَ لِي سَلِاق
«رَفَّصَ ال» - مَلَسَ وَهِيَ لَعَلَّ صِيْبَانُ لِقِاقَ فَمَاعُ هُنَّ مَحِي وَآمَاعُ هُنَّ وَوَلِحِي

"Имом Молик (р.х.)дан "сафар йўқ", жумласининг маъноси ҳақида сўралганда, у бундай деб жавоб берди: "Жоҳилият аҳолиси сафар ойини бир йили урушлар ҳаром қилинган ой деб билсалар, кейинги йили ҳалол деб билардилар. Расулulloҳ (с.а.в.) бундай бўлиши мумкин эмаслигини айтиб "сафар йўқ" деганлар (Абу Довуд, 4/3916).

"Сафар"га яна: بَرَعَال مَعَزِي فِدْعِي مَعِي هُوَ هِي ذُو تَوَاعِجِ إِذَا نَاسَ إِذَا بِي صِتْ عِي ح -
"Сафар бу одамлар оч қолса, келиб чақадиган илон бўлиб, у одамларга озор етказди. Араблар мана шундай ўйлашар эди", деган таъриф ҳам берилган. Бундай эътиқоднинг нотўғрилигини, оч одамга ҳеч қандай илон ҳамла қилмаслигини бугун ҳамма билади.

Қози Иёз (р.х.) фикрига кўра, одамлар сафар ойида бало-офатлар кўп бўлади, деб ўйлайдилар. Шунинг учун сафар ойидаги бу хилдаги иримларнинг жоиз эмаслигини билдириш мақсадида ушбу ҳадиси шарифда Расулulloҳ (с.а.в.) сафар ойи бехосият эмаслигини таъкидлаганлар. Муҳаммад ибн Рошид (р.х.) ҳам худди шу тарзда одамлар сафар ойидан ирим қилганлари учун Расулulloҳ (с.а.в.) "сафар йўқ", деганларини изоҳлаган:

لِقِاقَ رَفَّصَ بَنُومِي شَيْتَانِي ةَّيْلَهَاجَلْ لَهْأَن نَأْتِعَمَسَ لِقِاق. رَفَّصَ هَلْ وَوَقَّ تَلُوقِ
هُ لِقِاقِي نَمَ أَنْ عَمَسَ دَقُّ وَدَّمَ حَمَ لِقِاق. «رَفَّصَ ال» - مَلَسَ وَهِيَ لَعَلَّ صِيْبَانُ لِي
«رَفَّصَ ال» لِقِاقَ فِدْعِي مَعِي هُوَ هِي ذُو تَوَاعِجِ إِذَا نَاسَ إِذَا بِي صِتْ عِي ح وَوَلِحِي

"Сафар" сўзи ҳақида сўрадим. У: "Жоҳилият аҳли сафар ойдан шумланар, ирим қилар эдилар. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.): "сафар йўқ", деганлар", деб ҳам эшитганман. Одамлар қориндаги дард бўлиб, у бошқа одамларга ҳам ўтади, дейишар эди. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.): "сафар йўқ", деганлар", деб ҳам эшитганман", деган (Абу Довуд, 4/3917).

Аллоҳ таоло бандаларига ва яратган нарсаларига меҳрибон. Бирор ойни беҳосият қилиб, унда балоларни ёғиладиган қилиб қўйган эмас. Сафар ойида фалон-фалон хосиятсиз ишлар содир бўлган, деган гапларнинг ишончли асоси йўқ.

3) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг "ҳомат" ҳам йўқ, деганларининг маъносини Муҳаммад ибн Рошид (р.х.) бундай изоҳлаган:

دَحْ أَسَيْلٌ لُّوْقَتٌ لَّيْلَهُ أَجَلٌ لِّتَنَ الْكَلِّ أَق. «مَاه» ؕ لَوْ وَقَّ - دِشَارَ نَبَا يَنْعِي - دِّمَحْمُ لُتْلُق
مَاه. مَاه. هَرْبَقُ نَمَّ جَحَّحٌ الْإِنْفِ دِيْفُتْ وَمَي.

"Жоҳилият даврида одамлар бирор кимса ўлса, қабридан бойўғли бўлиб чиқиб кетади" дейишарди (Абу Довуд, 4/3917).

Тобеъинлардан Ато (р.х.)дан "ҳомат" ҳақида ҳам сўраганлар:

مَاهُ بَسَيْلٌ لِّوَسَّانٍ لِّمَاهُ خُرُصَاتٍ يَتْلُو مَاهُ لِّوَقِي لِّأَق مَاهُ لِّأَمْفُتْلُق
مَاهُ بَادَى مَاهُ لِّأَسْنِ الْإِل.

"Ҳомат" нима?" деган саволга Ато (р.х.): "Одамлар бойўғли қичқирса, фалончининг бойўғлиси, дер эдилар. Одамнинг бойўғлиси бўлмайдди, у оддий қушдир", деб жавоб берган (Абу Довуд, 4/3920).

Айрим одамлар орасида қасосини ололмайд ўлиб кетган кимсанинг руҳи бойўғлига айланади, деган эътиқод ҳам бор. Бойўғлидан шумланиш, уни беҳосият - хосиятсиз деб билишдан Расулуллоҳ (с.а.в.) қайтариб, "ҳомат" ҳам йўқ, деганлар. Бунга айрим кимсаларнинг инсон олдидан қора мушук ёки ит ўтиб қолса, иши юришмайди, деган эътиқодларини ҳам киритиш мумкин. Шунингдек, халқ орасида "арвоҳ капалаклар" деган тушунча ҳам оралаб юради. Одамнинг руҳи вафотидан кейин уйига ёки бошқа жойларга "арвоҳ капалак" бўлиб келади, деган ҳам ана шундай бўлмағур эътиқодлардандир. Аслида, табиатда ранги-рўйи оч, қанотлари узун, асосан, шом вақтларда кўпроқ учадиган капалакларга "арвоҳ капалак" номи берилган бўлиб, уларнинг 1300 га яқин тури аниқланган. Шундан Ўзбекистонда 20 хили мавжуд. Уларнинг ҳеч қандай арвоҳларга алоқаси йўқ.

Бундай ўй-фикрларнинг асли йўқ, бу инсонни ҳар бир нарса Аллоҳдан бўлиши, инсон ҳамма ишини Аллоҳга суянган ҳолда, унга таваккул қилиб иш тутиши кераклигини унуттириб қўядиган бузуқ эътиқоддир. Бинобарин, ундай нарсалардан ҳам инсон сақланиши керак.

4) Кейинги "ғул" ҳам йўқ, дегани дев ва даҳшатли махлуқ йўқ маъносида. Эртақларда учрайдиган дев, ёлмоғиз, ажина, чўл-биёбонларда, тоғ-роғларда бўладиган махсус даҳшатли девлар бўлмаган гап. Бундай нарсалардан қўрқмаслик, улардан қўрқиб яшаш керак эмаслигини Расулуллоҳ (с.а.в.) уқтирмақчи бўлганлар. Фарзандларни ҳам улардан қўрқиб яшашларига эмас, қўрқмас, ботир қилиб ўстириш керак. Шунинг учун эртақларда ҳам девлар ботир ўғлонлардан енгилиб, мағлуб бўлиб қоладилар.

5) "Тийара" луғатда бирор нарсадан шумланиш, ирим-сиримга берилиши маъносида бўлиб, "тийара" ҳам йўқ, деган гаплари билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ирим-сиримларнинг ҳар қандай турини, ҳар қандай кўринишини инкор қилиб, исломда йўқлигини, шариатда бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) ирим-сиримларни:

مَنْ رَضِيَ الْوَمِ كَسَفْنَا فِي هُنُودِجَتِ عَيْشِ كَاذِ

"Бу сизнинг ичингизда топиладиган нарса, лекин у сизга зарар етказа олмайди", деб изоҳлаганлар (Табароний, 19/934).

Расулуллоҳ (с.а.в.) бошқа бир ўринда: كَرِشَلَا نَمَ عَرِي طَلَا - "Ирим-сирим ширкдандир" деганлар (Термизий, 4/1614; Ҳоким, 1/44; Аҳмад, 1/4171; Баззор, 1/1840; Таҳовий, 4/7079). Ирим-сиримларнинг инсон онгига ёпишиб олишининг сабаби Аллоҳга бўлган ақиданинг сустлиги, айниқса, таваккулнинг камлигидир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) мазкур ҳадислари давомида иримлардан қутилишининг йўлини ўргатганлар ва уни бу тарзда: لَكُوتَلَابُ هَبْهَذِي هَلَلَا نَكَلُ وَ - "Лекин, уни Аллоҳ таваккул билан кетказди", деб ифодалаганлар. Демак, инсон ҳамиша таваккул билан иш тутишга ўрганиши керак, шунда у ирим-сиримларга ишонмайдиган бўлади. "Ирим-сирим ширкдандир" деган гапдаги ширкни уламолар риёга ўхшаган ширки хафий, эканини таъкидлаганлар.

Имом Бухорий (р.ҳ.)нинг "ал-Адаб ал-муфрад" асарида ажойиб бир ҳадис келтирилган:

تِي تَافِ كَرِبَلَابِ مَهَلْ وَعَدْتَفِ اودلُو اذِلْ نَايِبْصَلَابِ يَتَوْتُ تَنَاكْ اَهْنَا عَشَائِعِ نَعِ
يَسُومَلَا نَعِ مَهَلْ لَأَسْفِ يَسُومِ هَسْأَرُ تَحْتِ اذِفِ هِتَدَاسُ وَعَضْتِ تَبْهَذْفِ يَبْصَبِ

لوسر نا تلاقو اهنع مهتهنو اهب تمرف ىسوملا تذخأف نجل نم اهلعجن اولاقف
ىهن تةشئاع تانكو اهضغبى و ةرىطلال هركى ناك ملسو وهىلع هلل ىلص هلل
اهنع

"Болалар туғилганида, унга барака сўраб дуо қилиши учун одамлар чақалоқларни Ойша онамиз (р.а.) олдига олиб келардилар. Бир чақалоқ келтирилди, уни тўшагидан олаётувди, ёстиғи остига устара (пичоқча) қўйилган экан. Ойша (р.а.) устарани нимага қўйилганини сўрадилар, жинлардан сақланиш учун, болага жинлар яқинлашмаслиги мақсадида қўйилганини айтишди. Шунда Ойша (р.а.) уни олиб, отиб юбордилар ва иккинчи бор бундай иш қилишдан қайтардилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) ирим-сиримларни ёқтирмасликларини, уларга ғазаб билан боқишларини айтдилар ва Ойша онамиз (р.а.)нинг ўзи ҳам ундан қайтаришларини билдирдилар" (Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад, 1/912).

Қуйидаги ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (с.а.в.) ирим-сиримлар, бир-бировга ҳасад қилиш ва ёмон гумонда бўлишдан умматлари орасидан бутунлай йўқ бўлмаслигини айтиб ўтганлар ва булардан қутилиш йўлларини ҳам ўргатганлар:

لوسر اي نه بهذي ام : لجر لاقف ن ظلال ءوسو دسحلاو ةرىطلال ي تمأل تامزال ثالث
اذو ققحت ال ف تننظ اذو هلل رفغتساف تدسح اذل : لاق ؟ هي ف وه نم هلل
ضما ف تريطت

"Уч нарса умматимга ёмишиб олган: ирим-сиримлар, ҳасад ва ёмон гумон қилиш. Бир кимса: "Эй, Расулуллоҳ! Ўша нарсалар бировда бор бўлса, уларни нима кетказди?", деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилдилар: "Ҳасад қиладиган бўлсанг, Аллоҳга истиффор айтиб, тавба қил; бировга ёмон гумон қилиб қолсанг, ўшанинг ҳақиқатига етаман деб уруниб ўтирма; агар ирим қилсанг, ундан ўтиб кет!" (Табароний, 3/3227).

Юқоридаги ҳадис бошқа ўринда бу тарзда келтирилган:

ن ةرىطلال نم كيجني ف ، دسحلاو ن ظلال ءوسو ةرىطلال مدآ ن با نه زعي ال ة ثالث
ال نأ دسحلا نم كيجني و ، ملكتت ال نأ ن ظلال ءوسو نم كيجني و ، اهب لمعت ال
ءوس آخ ى غبت

"Одам болалари учта нарсдан ожиз қоладилар: ирим-сиримлар, бадгумонлик ва ҳасад. Иримлардан сени уларга амал қилмаслик қутқаради. Ёмон гумондан эса гапирмаслигинг сени қутқазади. Ҳасаддан ёмон дўстни истамаслик қутилтиради" (Байҳақий, "Шуаб ал-имон", 2/1172;

Абдурраззоқ, 10/19504).

Расулуллоҳ (с.а.в.) ирим-сирим қиладиган кимса тавба қилиб, унга каффорат бериши борасида ҳам гапириб ўтганлар:

ل ا ق ك ل ذ ة ر ا ف ك ا م و ه ل ل ا ل و س ر ر ا ي ا و ل ا ق ك ر ش ا د ق ف ه ت ج ا ح ن ع ة ر ي ط ل ا ه ت د ر ن م
ك ر ي غ ه ل ا ل و ك ر ي خ ا ل ا ر ي خ ا ل و ك ر ي ط ا ل ا ر ي ط ا ل م ه ل ل ا ل و ق ت

"Кимни ирим қилиши ўз ишидан қолдирса, аниқ, ширк келтирибди". "Эй, Расулуллоҳ! Бунинг каффорати нима?" дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳумма, ла тойра илла тойрука, ва ла хойра илла хойрука, ва ла илаҳа ғойрука!", дейишинг", дедилар" (Баззор, 2/4379; Ибн Абу Шайба, 5/26411). Расулуллоҳ (с.а.в.) қарға қағилласа ҳам мана шу дуони ўқишни тавсия қилганлар (Ибн Абу Шайба, 6/29872).

б) "Навъа" ҳам йўқ", жумласи "юлдуз учишидан ирим қилиш йўқ", деган маънодадир. Юлдуз учиши бировнинг ўлимидан дарак бермайди. Араблар жоҳилият даврида бундай эътиқод қилганлар: "Самода йигирма саккизта юлдуз бор, улардан бири мағриб тарафдан ҳар ўн уч кунда учиб тушади. Шунда машриқдан тонг вақтида унинг ўрнига битта янги юлдуз пайдо бўлади. Ана шу вақтда ёмғир ёғиши кузатилади". Жоҳилият даврининг араблари ёмғир ёғишини юлдуз учишига боғлиқ, деб билганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) ёмғирнинг юлдузга алоқаси йўқлигини, ёмғир Аллоҳнинг ўзига хос сабаблари туфайли ёғишини билдириш мақсадида "навъа" йўқ, деганлар. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Ҳудайбияда Аллоҳ таоло номидан айтган гаплари жуда ибратлидир:

ب ك ا و ك ل ا ب ر ف ا ك ، ي ب ن م ؤ م ك ل ذ ف ، ه ت م ح ر ب و ه ل ل ا ل ل ض ف ب ا ن ر ط م : ل ا ق ن م ا م ا ف ،
ب ك ا و ك ل ا ب ن م ؤ م ، ي ب ر ف ا ك ك ل ذ ف ، ا ذ ك ء و ن ب ا ن ر ط م : ل ا ق ن م و

"Демак, кимки: "Ёмғиримиз Аллоҳнинг фазли ва марҳамати билан бўлди", деса бу кимса менга мўъмин, юлдузларга кофирдир. Агар кимки: "Ёмғиримиз анави юлдуз сабабли", деса менга кофир, юлдузларга эса мўъминдир!" (Муслим, 1/71; Ибн Ҳиббон, 1/188).

Юқоридаги ҳадиси шарифдан инсон Аллоҳ таолога бўлган ихлос ва эътиқодини асло сустлаштирмаслиги, ақидасининг дарз кетишига йўл қўймаслиги, ҳар бир нарсани Аллоҳ таолодан деб билиши, ҳар бир нарсани Аллоҳ таоло қилади, деб тасаввур қилиши лозим. Ана шунда, инша Аллоҳ, эътиқоди мустаҳкам бўлаверади. Агар кўнглига, хаёлига бирорта бузуқ ақида келса, ирим-сирим чиқиб қолса, у ҳолда Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай дейишни ўргатганлар:

عَفْدِيَّ الْوَتَّانَ الْإِسْحَابِ أَيُّهَا الْمُهَلِّلُ الْقِيْلَفُ رَكِي أَمْ مُكْدَحَ أَيْ أَرَادَ إِف
«كَبُّ الْإِثْمِ وَالْوَحَالَةُ الْوَتَّانُ الْإِسْحَابِ أَيُّهَا الْمُهَلِّلُ الْقِيْلَفُ رَكِي أَمْ مُكْدَحَ أَيْ أَرَادَ إِف

"Агар бирортангиз ёмон кўрган нарсани кўрса, "Аллоҳумма ла йаътий би-л-ҳасанати илла анта ва ла йадфаъу-с-саййиати илла анта ва ла ҳавла ва ла қуввата илла бика!" десин!" (Абу Довуд, 4/3921).

Ҳамидуллоҳ Беруний